

**"O'ZAGROSUG'URTA" AKSIYADORLIK JAMIYATI**  
**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини**  
**мажбурий сугурта қилиши**  
**Шартномаси № 1**

2022 йил 21 январ

Андижон вил Андижон.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи "O'zagrosu'urta" Aksiyadorlik Jamiyati (бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилади), Ўзагросуғурта АД Андижон вилоят филиали Избоскан сугурта маркази менежери И.Абдуллаев бир томондан, ўз Устави асосида иш юритувчи Андижон вилояти РСЗБ (бундан кейин матнда «Сугурта қилдирувчи» деб юритилади), номидан У.Туктаров иккинчи томондан қуидаги шартлар асосида мазкур Сугурта шартномасини туздилар:

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. Сугурталовчи Сугурта қилдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Конуни ва Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июнданги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари хакида"ти 141-сонли Қарори асосида сугурта хизматини кўрсатади.

1.2. Сугурталовчи мазкур шартномада шартлашилган сугурта мукофоти сугурта қилдирувчи томонидан тўлик тўланганидан сўнг сугурта полиси амал қилиш муддатида сугурта ҳодисаси содир бўлганда шартнома (сугурта полиси) да белгиланган сугурта пули доирасида сугурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

**2. Сугурта обьекти**

Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (сугурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги конун хужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлик бўлган мулкий мафтаatlари мажбурий сугурта обьектидир.

**3. Сугурта пули**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июнданги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари хакида"ти 141-сонли Қарорига асосан белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-иловасида хамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган сугурта полисларида кўрсатилади.

**4. Сугурта мукофоти**

4.1. Мазкур шартнома бўйича сугурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июнданги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари хакида"ти 141-сонли Қарорига асосан тасдикланган сугурталаш коидалари (кейинги матнларда "Сугурта коидалари" деб юритилади) 5-иловасидаги сугурта тарифларига мувофиқ хисоблаб чиқилади ва унинг миқдори мазкур шартноманинг 1-иловасида ва сугурта полисларида белгилаб кўйилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича сугурта мукофотини хисоблаш сугурталовчи томонидан мажбурий сугурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада сугурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек сугурта коидалари 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан хамда сугурталовчида мавжуд бўлган, хужжатлар асосида тасдикланган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Сугурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Сугурта мукофотининг тўланган куни деб сугурта мукофотининг сугурталовчи хисоб ракамига тўлик миқдорда келиб тушган куни хисобланади.

4.4. Сугурта мукофоти тўлик тўланганидан сўнг сугурталовчи томонидан сугурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича сугурта полиси ва маҳсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

**5. Сугурта товони миқдорини аниклаш**

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда сугурта тўлови сугурта полисида кўрсатилган сугурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки хукукий ворисининг сугурта копловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равища, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аникланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилганда сугурта товонининг миқдори сугурта полисида кўрсатилган сугурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган сугурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равища, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аникланади

**6. Сугурта товонини тўлаш**

6.1. Сугурталовчи сугурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки сугурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф килиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган сугурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффакиятсиз бўлган холларда ҳам коплайди.

6.2. Зарарни бартараф килиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар сугурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни копламайди.

6.4. Сугурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин сугурта полисида кўрсатилган сугурта пулидан ошмаган миқдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) тўланади (сугурта коидалрининг 56-бандида кўрсатилган холатлар бундан мустасно).

6.5. Сугурта товонини тўлаш сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори кабул килинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 7. Томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш сугурталовчи ва сугурта килдирувчининг ҳуқук ва мажбуриятларига сугурта коидаларида белгиланган сугурталовчи ва сугурта килдирувчининг ҳуқук ва мажбуриятлари тадбик килинади ва ҳар икки томон учун мажбурий хисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир саклашлари шарт.

## 8. Шартнома ва (ёки) сугурта полисининг муддатидан олдин бекор қилиниши

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши:

- а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартиба такиқланганда;
- б) сугурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан бўён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;
- в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартномава (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши конун хужжатларида назарда тутилган бошқа холларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда сугурта мукофотининг бир кисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) сугурта полиси амал қилишининг кунлар хисобидаги колган муддатига мутаносиб равишда кайтарилади. Бунда сугурта шартномаси ва (ёки) сугурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда сугурталовчи сугурта мукофотининг кайтарилаётган кисмидан унинг сугурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини сугурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

## 9. Томонларнинг жавобгарлиги

Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик хужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганиклари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун қонунчилик хужжатларига кўра жавобгар хисобланадилар.

### 10. Якунловчи қоидалар

10.1. Мазкур шартномадан келиб чикадиган низолар конун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлири мумкин.

10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандиги худудий газнчиликдан бўлиминдан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва томонлар келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.5. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сакланади.

**«Сугурталовчи»  
номидан**

*“O’zagrosug’urta” AJ*  
**Андижон вилоят филиали**  
**Избоскан сугурта маркази**  
**Андижон туман Олтин водий 3-үй**  
**X/p: 2021 6000 7005 0388 9017**  
**МФО: 00045 ИНН: 100237972**  
**“Агробанк” Андижон филиали**  
**Тел: 223-21-82**

Raxbar: И.Абдуллаев

M.Ý.



**“Сугурта килдирувчи”  
номидан**

<b>NQITHB HUZURIDAGI NASOS STANSIYALARI</b>
<b>VA ENERGETIKA BOSHQARMASI</b>
<b>ANDIJON TUMANI, OBI XAYOT KO'CHASI 40 «A»</b>
<b>SHH/V: 10002186 0032 0370 4240 2170 001</b>
<b>STIR: 200256539 XXTUT: 22100</b>
<b>O'ZBEKISTON RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI</b>
<b>H/R: 2340 2000 3001 0000 1010</b>
<b>HKKM MARKAZIY BANK TOSHKENT SH.BOSH BOSHQARMASI</b>
<b>MFO: 00014 STIR: 201122919</b>

Рахбар: У.Тўхтаров

*(Signature)*  
(HMZO)



2022 йил «21» январдаги

1 -сонли шартномага  
1-илова

№	ТВ түри	ТВ маркаси ва модели	Давлат рақами	Сугурта пули	Сугурта тарифи	Сугурта муюфоти
1	Кодотб	ЕИ241 60363САА	40000000			120 000
2	Боз-НВ	ЕИ241 60782FBA	40000000			120 000
3	Тико	ЕИ241 60790GAA	40000000			40000
4	Тико	ЕИ241 60792GAA	40000000			40000
5	Домос	ЕИ241 60794GAA	40000000			40000
6	Домос	ЕИ241 60795GAR	40000000			120 000
7	Лодз	ЕИ241 60469EBA	40000000			40000
8	Изиди	ЛОК 60487 QAD	40000000			48000
9	Дүйнен	ЛОК 60479AAR	40000000			48000
10	-	ЛОК 60738JAD	40000000			48000
11	ШИ-24502	ЛОК 60841GAD	40000000			48000
12	Изудж	ЛОК 60168MA	40000000			48000
13	241-130	ЛОК 60785GAA	40000000			48000
14	241-130	ЛОК 60786GAR	40000000			48000
15	241-130	ЛОК 60788GAR	40000000			48000
16	Олоз-53-34	ЛОК 60884GAD	9000000			48000
17	Олоз-52	ЛОК 60882GAD	40000000			48000
18						
19						
20						
21						
22						1000 000

Бир салондук сийи =

“O’zagrosug’urta” Андижон вилоят  
филиали Избоскан сугурта маркази

X/p: 2021 6000 7005 0388 9017  
МФО: 00045 ИИН: 200237972

Банк номи: “Агробанк”  
Андижон филиали  
Телефон 223-21-82  
ОКОНХ 96210

Менежер: И.Абдуллаев

М.ў.



NQITHB HUZURIDAGI NASOS STANSIYALARI  
VA ENERGETIKA BOSHQARMASI  
ANDIJON TUMANI, OBI-XAYOT KO'CHASI 40 «A»  
SHH/V: 10002186 0032 0370 4240 2170 001  
STIR: 200256539 XXTUT: 22100  
O'ZBEKISTON RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI  
H/R: 2340 2000 3001 0000 1010  
HKKM MARKAZIY BANK TOSHKENT SH. BOSH BOSHQARMASI  
MFO: 00014 STIR: 201122919



М.ў.